O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 20 декабрь ЧОРШАНБА

№ 101 (11.904)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Банк тизимининг барқарор ривожланишини, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни, уларнинг инвестиция ва иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларида фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:

юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади;

фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.

Мазкур бандда назарда тутилган имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январдан бошлаб сотиб олинган акцияларига, шунингдек, 2009 йилнинг 31 декабрига қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидендларга нисбатан қўлланилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда 2007 йилнинг 1 январига қадар тижорат банкларининг акцияларини харид қилиш ва улар бўйича дивидендлар олишда солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Тижорат банкларига аҳолининг бўш маблағларини, тадбиркорлик субъектларини, институционал инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторларни тижорат банкларининг акциядорлик капиталига жалб этиш борасидаги фаолиятни кучайтириш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирлик ва идораларнинг идоравий норматив ҳужжатлари мазкур Фармон талабларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф.Муллажонов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2006 йил 19 декабрь.

Осиё ўйинлари — 2006

## ЮРТ БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРГАНЛАР

**Ўн беш кун давомида курраи заминимиз аҳолиси нигоҳи Қатар пойтахти Доҳада бўлиб ўтган XV Осиё ўйинларига қаратилди. Қитъамизнинг 45 мамлакатидан ташриф буюрган 13 минг 500 нафар сара спортчилар Олимпия ўйинларига тенглаштирилаётган мусобақаларда медаллар шодаси учун кураш олиб бордилар.**

Спортнинг 40 дан ортиқ тури бўйича уюштирилган баҳсларда 243 нафар ҳамюртимиз Ватанимиз шарафини 31 спорт турида ҳимоя қилишди. Айниқса, курашчиларимиз, эшкакчиларимиз ва албатта, боксчиларимиз Ўзбекистон довруғини жаҳонга таратиб, Осиёда тенгсиз эканликларини яна бир бор исбот қилишди.

Якуний натижаларга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси 11 та олтин, 14 та кумуш, 14 та бронза — жами 39 та медал билан умумжамоа ҳисобида 7-ўринни эгаллади. Айниқса, шуниси қувонарлики, XV Осиё ўйинлари бизнинг вилоятимиз вакиллари учун жуда омадли бўлди.

Улар терма жамоамиз жамғармасига 6 та олтин, 6 та кумуш, 4 та бронза – жами 16 та медаль келтириб, бошқа вилоятларга нисбатан анча салмоқли ҳисса қўшдилар.

Мамлакатимизга биринчи олтин медални ҳам академ эшкак эшиш бўйича вилоятимиз вакиллари келтиришди. Жуфтликлар ўртасида 1000 метр масофага финал баҳсида Севара ва Зарина Ғаниевалар шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди.

Ўзбекистон байроғи баланд ҳилпираб, Ватанимиз мадҳияси баралла янграганда бу опа-сингилларнинг ҳаяжон ва фахр-ифтихордан зоҳир бўлган севинч кўз ёшларини нафақат қитъа, балки бутун дунё аҳли ойнаи жаҳон орқали томоша қилган бўлса ажабмас.

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш баҳсларида ҳам вилоятимиз спортчилари қайд этган натижаларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи тарбияланувчиси Вадим Менков «С-1» русумли қайиқда минг метр масофага ўтказилган мусобақада олтин, 500 метрда эса бронза медали билан тақдирланди. 2002 йили Пусанда бўлиб ўтган XIV Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори Юлия Борзова 500 метрга бўлган мусобақада бу сафар олтин медалга сазовор бўлди.

— Вилоятимиз спортчилари шоҳсупанинг юқорисидан жой эгаллашаётганини кузатиб борар эканман, ўзимда ҳам медаллар учун курашиш иштиёқи кучайиб борди, — дейди Юлия Борзова. — Вилоятимиз фахри ва шаънини юксакликларга кўтаришга олтин медалим билан ҳисса қўшганимдан беҳад хурсандман.

Бир пайтлар бокс бўйича ўтказилган баҳсларда ғолибликка даъвогарлик қилган Куба, АҚШ спортчилари ҳам бугун ўзбекистонлик боксчилар билан ҳисоб-китоб қилишга мажбур бўлмоқдалар. Зеро, 3 та олтин, битта кумуш ҳамда 2 та бронза медалини қўлга киритган боксчиларимиз XV Осиё ўйинларида энг юқори натижага эришдилар. Ўта оғир вазн тоифасида иштирок этган Сидней Олимпиядаси бронза медали совриндори Рустам Саидов ҳал қилувчи баҳсда қозоғистонлик номдор боксчи Мухторхон Дилдабеков устидан муддатидан илгари зафар қучиб, олтин медални қўлга киритгани мухлислар ўртасида катта олқиш ва шов-шувга сабаб бўлди.

— Финал жанглари якунлангач, тақдирлаш маросимига гал келиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилганимда дилимдан кечган ҳис-туйғуларимни сўз билан ифодалаш қийин, — дейди Рустам Саидов. — Бир тасаввур қилинг-а, шунча давлатлар ичида айнан Ватанимиз байроғи юқори кўтарилиб, миллий мадҳиямиз янгради. Спортчи учун бундан катта бахт бўлмаса керак. Аммо тўғрисини айтсам, якуний натижада аён бўлган икки ҳолат, мени ҳаммасидан кўра кўпроқ қувонтирди.

(Давоми 4-бетда).





*СУРАТЛАРДА: бокс бўйича олтин медаль соҳиби Рустам Саидов; байдаркачи совриндорларимиз Юлия ва Сергей Борзовлар.*

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**

## ПЕДАГОГЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

**Қибрай тумани халқ таълими тизими мутасаддилари, ўқув муассасалари раҳбарларининг анъанавий семинар-тренинги бўлиб ўтди.**

Тумандаги 10-умумтаълим мактаби мезбонлик қилган мазкур анжуманда иштирокчилар юртимизда олиб борилаётган узоқни кўзловчи таълим ислоҳотларининг моҳияти, педагог кадрлар маҳоратини ошириш, ёшларни ҳар жиҳатдан етук ва баркамол қилиб вояга етказишда замон талабларига мос, интерфаол услубларни янада кенгроқ жорий қилиш, бунинг учун мавжуд шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш хусусида фикр-мулоҳаза юритдилар. Сўзга чиққанлар мактаблар ҳамкорлиги, педагогларнинг мунтасил тажриба алмашиб туришлари ғоят самарали эканлигини қайд этдилар.

— Мактабимиздаги алоҳида жиҳозланган фан кабинетлари, компьютер ва маънавият хоналари, кутубхона ҳамда турли тўгараклар ўқувчилар олаётган билим сифатининг юксалишига хизмат қилмоқда, — дейди 10-умумтаълим мактаби мудираси Ирода Муҳаммадазизова. — Ёшларга қўшимча қулайлик ва шароитлар яратиш, иқтидорли ўсмирларни рағбатлантириб боришда маҳалла жамоатчилиги, ҳудудимиздаги тадбиркор ва фермерларнинг ҳиссаси катта бўлаётганини таъкидлаш жоиз.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

## ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

***Чирчиқдаги 14-меҳрибонлик уйида олиб борилаётган тарбиявий ишлар вилоят доирасида оммалаштириладиган бўлди.***

Гап шундаки, бу ерда фаолият олиб бораётган педагог ва тарбиячиларнинг илғор иш тажрибалари мутахассислар томонидан ижобий баҳолаб келинаётир. Шу сабабли бу муассаса «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик жамғармаси тавсияси билан «Энг яхши меҳрибонлик уйи» ҳамда «Меҳрибонлик уйининг энг яхши тарбиячиси» республика кўрик-танловига тавсия этилди.

Жиззах, Гулистон ва Чирчиқ шаҳарлари бўйича ўтказилган ҳудудий беллашувда 14-меҳрибонлик уйининг тарбиячиси Искандар Абдусаломов ғолибликни қўлга киритди.

**Акбар АЛИЕВ.**

## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ВА МАҲСУЛОТЛАР

***Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси 21-24-декабр кунлари "Ўзкўргазмасавдо" нинг марказий павильонида "Интератлас" халқаро компанияси ва Туркиянинг Тошкентдаги элчихонаси кўмагида кўргазма ўтказади.***

Кўргазма "Hometex and modexpo" деб номланган бўлиб, кийим-кечак, пойафзал ишлаб чиқарувчи Туркия ва жаҳоннинг янги технологиялари намойиш этилади ҳамда харидорларни тўқимачилик саноатининг янги маҳсулотлари билан таништиради.

**«Туркистон-пресс».**

*Вилоят ҳокимлигида*

## ТУРМУШ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

**Вилоят ҳокимлигида «2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланган «Қишлоқда турмуш маданиятининг ижтимоий-гигиеник ва экологик жиҳатлари» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Мирзамашрап Куччиев бошқарди.**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқларнинг санитария-гигиеник ва экологик ҳолатини яхшилаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан самарали ишлар олиб борилмоқда.

«Экосан» халқаро ташкилоти республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда «Қишлоқда турмуш маданиятининг ижтимоий-гигиеник ва экологик жиҳатлари» мавзусида конференция ўтказиб, унда мазкур масалалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш, жойларда шу масалага бағишланган конференция ва семинарлар ўтказишни тавсия қилган эди.

Шу муносабат билан ўтказилган конференцияда вилоятнинг барча туманлари ҳоким ўринбосарлари, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

«Экосан» халқаро ташкилоти раиси Юсуф Шодиметов «Қишлоқда турмуш маданиятининг ижтимоий-гигиеник ва экологик жиҳатлари» мавзусида ва вилоятнинг қатор бошқармалари, бўлимлари ҳамда жамғармаларнинг раҳбарлари шу масалалар бўйича маъруза қилдилар.

Конференция иштирокчилари қишлоқда аҳоли турмуш маданиятини ошириш ва бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

## ТЕКШИРИШЛАР ТАРТИБЛИ ЎТМОҚДА

**Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши вилоят ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши Янгийўл шаҳрида ўтди. Уни вилоят ҳокими, ҳудудий комиссия раиси Мирзамашрап Куччиев бошқарди.**

Комиссия аъзолари, вилоят назорат идораларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳудудий комиссиялари раислари, Янгийўл тумани ва шаҳри бўйича ҳудудий комиссияларнинг аъзолари иштирок этган бу йиғилишда назорат ишларини мувофиқлаштиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Янгийўл тумани ва шаҳри бўйича ҳудудий комиссиялар раислари Қ. Файзиев билан З. Файзуллаевнинг текширишларни тартибга солиш борасидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажариш юзасидан олиб борилаётган ишларга доир ахборотлари тингланди.

Таъкидландики, ҳудудий комиссиялар назорат идоралари фаолиятини бирмунча изчил мувофиқлаштириб, ўз мажлисларида улардан айримларининг ҳисоботларини тинглаганлар. Чунончи, Янгийўл тумани ҳудудий комиссияси текширувлар якунларини, туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, ёнғин хавфсизлиги, ер геодезкадастр, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва статистика бўлимларида текширишларни тартибга солиш борасидаги қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлашга қаратилган ишларнинг аҳволини ўрганиб, алоҳида-алоҳида муҳокама қилган. Натижада текширишлар 9 ойда ўтган йилнинг шу давридагидан 41 фоиз камайган. Уларнинг самарадорлиги юқори бўлган.

Янгийўл шаҳар ҳудудий комиссияси ҳам текширишларни тартибга солиш, уларни мувофиқлаштириш ва қонун талаблари асосида ташкил этилишига эришиш йўлида изчил иш олиб бораяпти. Шунинг натижасида текширишлар 63 фоизга камайиб, самарадорлиги 97 фоизни ташкил қилган. Шаҳар тадбиркорлари ўртасида тушунтириш, ҳуқуқий тарбия ишлари режали олиб борилаётир.

Йиғилиш муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

*Сайлов*

## ҲАР БИР НОМЗОД ДАСТУРИ ТЎКИС

**Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов куни тобора яқинлашмоқда. Унда вилоятимизнинг 75-Зангиота сайлов округи сайловчилари иштирок этишади. Шу муносабат билан мухбиримиз мазкур сайлов округи сайлов комиссиясининг раиси Тўлқин Файзиев билан суҳбатлашди.**

**— Тўлқин Обидович, муқобиллик асосида ўтадиган мазкур сайловга тайёргарлик ишлари қандай кечмоқда?**

— Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, бу ғоят муҳим сиёсий жараён бўлиб, 75-Зангиота сайлов округимизнинг барча сайлов участкаларида бу борада жиддий ҳаракатга киришилган. Дастлабки кунларданоқ округ комиссияси тайёргарлик ишлари режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда амалий ҳаракатлар жадал олиб борилмоқда. Ҳозир округ ҳудудида сайлов участкалари ташкил этилиб, уларда тарғибот ишлари йўлга қўйилган. Сайловчиларни рўйхатга олиш белгиланган муддатда якунланди. Ўтажак сайловда 94 минг 400 дан зиёд аҳоли иштирок этиши кутиляпти. Бу сайловга пухта тайёрланишга ундайди. Шу куни сайлов уюшқоқлик билан ўтиши учун барча чора-тадбирлар ишга солиняпти.

Комиссия аъзолари бутун эътиборларини сайлов кўтаринки ўтишини таъминлашга қаратмоқдалар.

**— Сайловолди учрашувлари, тарғибот ишлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Округ комиссияси аъзолари ҳар бир номзод ҳуқуқларини таъминлашни кўзда тутиб, тарғибот-ташвиқот ишларини тенг асосларда олиб бормоқдалар. Номзодлар билан сайловчилар учрашувлари тасдиқланган жадвал асосида ташкил этилмоқда.

Сайловчиларни қизиқтираётган нарса шуки, учрашувлар чоғида улар энг муҳим жиҳат – номзодлар тақдим этаётган дастурларнинг амалийлиги, қанчалик ҳаётий ва долзарб эканлигига кўпроқ эътибор қаратишмоқда. Номзодларимиз олий маълумотли бўлиб, ҳаёт тажрибасига эга, ижтимоий-сиёсий жараёнларда ўзларини намоён эта олган кишилар. Улар тақдим этаётган дастурларда инсон манфаатлари, миллий анъаналарни тиклаш, эъзозлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш масалалари муҳим ўрин тутмоқда.

Эндиги вазифа ҳар биримиз бу муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашлари депутатлигига муносиб номзод учун овоз беришни ташкил этишдан иборат.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.**

## ЯНГИЙЎЛ МУҲИМ ТАДБИР АРАФАСИДА

**– Ишончим комилки, келгуси якшанба куни бўладиган сайловда кексаю ёш фаол иштирок этади, – Бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 16-Янги ҳаёт сайлов округининг 202-сайлов участкаси сайлов комиссиясининг раиси Бахтиёр Оқбоев суҳбатни шу сўзлар билан бошлади. – Кўриб турибсиз, сайлов участкамиз Янгийўл тиббиёт коллежи биносида жойлашган.**

(Давоми 3-бетда).



*СУРАТДА: тарғиботчи Ҳаётхон Шоабдураҳмонова ёш сайловчилар Дилдора Козимжонова ва Хуршида Турсунбоевани сайлов материаллари билан таништиряпти.*

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Иқтисодий ислоҳотлар мустақил Ўзбекистон саноати, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш тармоқларини янги шаклда ривожланиш босқичига олиб чиқди. Мамлакатда ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати кенг қулоч ёйди. Қишлоқда деҳқон ва фермер хўжаликлари ривож топиб, сармоядорлар, мулкдорлар табақаси шаклланиб бормоқда. Ташаббускорлик, изланувчанлик ўз салоҳияти, уқуви ва ақл-идрокини намоён этишга интилиш фазилати уларни саноат ишлаб чиқариши, деҳқончилик, чорвадорлик, боғдорчилик ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга, мамлакатни равнақ топтириш орқали эл-юрт фаровонлигига эришиш, мақсадларини рўёбга чиқаришга даъват этаётир.

Табиийки, бу жараёнларда иқтисодий муносабатлар, шу жумладан, меҳнат муносабатлари кескин ўзгарди. Шундай бир шароитда қонун устуворлигини, айниқса, меҳнат, уни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Лекин ҳаёт кўрсатмоқдаки, фақат тегишли қонунларнинг қабул қилиниши, уларнинг тобора такомиллаштириб борилиши билан мақсадга эришиб бўлмайди. Шу боис, айтайлик, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қонунчилиги меъёрлари, бошқа қонуности ҳужжатларида кўзда тутилган талаб ва қоидаларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоат назоратини кучайтириш лозим. Касаба уюшмалари амалдаги қонунчиликда ўзларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни изчил, самарали тус олдирмоқдалар. Зеро, фақат ўтган йили ва шу йилнинг олти ойида вилоят халқ хўжалиги корхоналарида 50 дан зиёд бахтсиз ҳодиса юз бериб, уларнинг 24 таси жабрланувчиларнинг ҳалокати билан тугаганлиги айтилса, бу муаммонинг қанчалик долзарблиги яққол аён бўлади. Шу муносабат билан ушбу саҳифада касаба уюшмалари вилоят бирлашмаси ва аъзо ташкилотларнинг давлат ва хўжалик идоралари билан бевосита ҳамкорликда бу ишни янада яхшилаш, корхона ва ташкилотларда соғлом меҳнат шароитлари, хавфсиз иш жойларини яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳақида ҳикоя қилувчи мақолаларни ўқийсиз.

## ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш тадбирларига ҳар йили 7 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланмоқда. Ишловчилар учун махсус сут ва парҳез таомлар ажратилаётир.

– 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йилида бу соҳадаги саъй-ҳаракатларни янада кенгайтириш мўлжалланмоқда, – дейди корхона касаба қўмитасининг меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича мутахассиси Собиржон Ёқубжонов. – Ҳозир шунга қаратилган махсус дастур ишлаб чиқиляпти.

**Раъно МИРАЛИМОВА.**

*Тажриба*

## УЧ БОСҚИЧЛИ НАЗОРАТ

***Маҳсулот сифатини кўтариш ва ҳажмини ошириб бориб, молия-иқтисодий барқарорликка эришиш ҳар бир корхона жамоаси учун узоқ муддатли истиқболни кўзлаб меҳнат қилишнинг асоси ҳисобланади.***



Бу жараёнда янги техника ва технологияларни жорий этиш, ходимлар уларни тўлиқ эгаллаб олишларини, ҳар бир иш жойида ва умуман, корхонанинг барча ишлаб чиқариш бўлинмаларида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш ғоят муҳимдир.

Шу боис корхонамиз бошқаруви билан касаба қўмитаси бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини кучайтириш масалалари билан баҳамжиҳат, узлуксиз шуғулланаётир. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими билан касаба қўмитаси комиссиясининг иши режали олиб борилиши бевосита ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга имкон бераётир. Ходимларнинг техник ўқувлари, уларнинг билим ва кўникмалари, малакалари, шунингдек, иш ўринларини шаҳодатлаб бориш бунда асосий ўрин тутяпти.

Ишлаб чиқариш бўғинларида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги масалаларига доир бурчаклар, стендлар ҳамда бошқа турдаги кўргазмалари қуроллар билан жиҳозланаётир. Мутахассислар ва ишчилар тегишли меъёрий-техник ҳужжатлар билан вақтида таништирилиши ҳам яхши натижа бераяпти. Шуни айтиш кифояки, корхонамизда иш жойларини меҳнат муҳофазаси меъёрлари ва қоидалари талабларига мувофиқ ташкил этиш, шунингдек, лавозимлар бўйича 120 та кўрсатма тасдиқланган бўлиб, уларга риоя этилиши муттасил назорат қилиб борилаётир.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, бошқарув меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлигига эришиш мақсадларига маблағни аямаётир. Ҳар бир ходим шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги бўйича уч поғонали назорат изчил йўлга қўйилган. Корхонамизда халқаро OHSAS — 18001 стандарти бўйича бошқарув тизимини татбиқ этиш борасида изчил иш олиб борилаётир. Бу йўналишда кўзда тутилган тадбирлар, чунончи, ишлаб чиқариш бўлинмаларини қайта жиҳозлаш учун материаллар олишга 9,5 миллион сўм ажратилди.

Ишловчиларни соғломлаштириш, ходимларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш савиясини ошириб бораяпмиз. Тиббиёт хонаси замонавий ускуналар билан мукаммал жиҳозланган. Малакали шифокорлар ҳамиша ёрдамга тайёр. Улар зарур дори-дармонлар билан етарли таъминланаётир.

Айни пайтда касаба ташкилотимизнинг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги даражасини кўтаришга таъсири кучайиб бораётир. Бу жараёнда меҳнат жамоаси аъзоларининг кенг қатлами фаоллик кўрсатяпти. Цех ва бўлинмаларнинг касаба ташкилотларида 48 муҳандис-техник ходим ва малакали ишчи меҳнат хавфсизлиги бўйича вакилликка сайланган. Касаба қўмитаси уларни вақти-вақти билан ўқитиб, тегишли равишда йўналтириб бормоқда. Улар уч босқичли назоратни амалга оширишда фаол иштирок этаётирлар. Натижада текшириш ва кўриклар самарадорлиги ортаяпти.

Бу ишлар корхонамизда ишлаб чиқарилаётган шифер ва черепицанинг сифати яхшиланиб, маҳсулот хажми ортиб бориши, ишлаб чиқариш маданиятини ошириб, маҳсулот сифатини халқаро андоза даражасига кўтариш имконини бераяпти.

**Озод ХУШНАЗАРОВ,**
**«Оҳангароншифер» очиқ акциядорлик жамияти касаба қўмитаси раиси.**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВР

*Фикр*

## ТАЛАБЧАНЛИК ҲАМ ФАЗИЛАТ

***Давлатимиз раҳбари бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифаларидан келиб чиқиб, аҳоли барча қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратаётганликларини мустақил тараққиётимизнинг 15 йил мобайнидаги жараёнлари яққол тасдиқлаб келмоқда.***



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида Юртбошимиз, айниқса, хавфли ва зарарли шароитларда меҳнат қилаётган инсонлар муҳофазасини яхшилаш, одамлар меҳнат шароитини соғломлаштириш, ногиронларга, алоҳида муолажага муҳтож кишиларга ғамхўрликни кучайтириш бутун жамият аъзоларининг бурчи эканлигини таъкидлаб, кириб келаётган Янги – 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилишни таклиф этдилар.

Шу муносабат билан касаба уюшмалари, вилоят ташкилотлари бирлашмасининг кенгаши, аъзо ташкилотлар махсус дастур ишлаб чиқмоқдалар. Дастурнинг муҳим йўналишларидан бири меҳнатни муҳофазалаш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши устидан жамоат назоратини кучайтириш, иш ўринларида соғлом муҳитни барпо этиш, ишлаб чиқаришда зарур маиший шароитларни яратишдан иборатдир.

Мулк хилма-хиллиги, хусусий тадбиркорлик кенг ривож топиб бораётган ҳозирги босқичда бу соҳаларда қонун устуворлигини таъминлашнинг аҳамияти ортиб бораётир. Ишловчилар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши ишлаб чиқаришда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг муҳим қирраларидан биридир.

Сўнгги йилларда соғлом ва хавфсиз иш шароитларини яратиш ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди. Барча бўғинлардаги касаба идораларининг асосий диққат-эътибори корхона ва ташкилотларда иш жойларининг шаҳодатланганлигига, ишловчиларнинг санитария-маиший хоналар ҳамда махсус кийим-бош ва якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланганлиги, техника хавфсизлиги қоидалари бўйича ишловчиларнинг ўқишлари ўтказилганлиги ҳамда ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликлари келиб чиқишининг олдини олиш ишларига қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 1-моддасида фуқаролар меҳнатнинг муҳофаза қилинишига ҳуқуқли эканликлари белгиланган. Шу асосда, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномалари ҳамда битимларда ўз ифодасини топган. Ишлаб чиқаришда, содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни текшириш комиссияларида қўмиталарнинг раислари қатнашиб, ишловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилмоқдалар.

Афсуски, барча корхоналарда, айниқса, кичик ва хусусий ишлаб чиқариш соҳасида ишловчиларни махсус кийим-бош, пойабзал ва бошқа якка тартибдаги муҳофаза воситалари билан таъминлашга эътибор бирдек эмас. Боз устига, уларнинг сифати ҳам кўпчилик ҳолларда талабга жавоб бермайди.

Алоҳида шароитларда меҳнат қилувчи ходимларга сут, парҳез таомлар берилишида ҳам узилишлар кўп. Эскирган машина-ускуналар, дастгоҳлардан фойдаланиш ҳам техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини мушкуллаштириб, муаммолар келтириб чиқармоқда. Меҳнатни ташкил этишдаги эътиборсизлик, лоқайдлик ҳам хунук ва фожиали ҳолатларни келтириб чиқараётир. Натижада фақат шу йилнинг олти ойи мобайнида вилоят халқ хўжалигида 7 та бахтсиз ҳодиса юз берди. Шулардан учтаси агросаноат, энергетика корхоналарида содир бўлди. Текширувлар кўпинча бундай фожиали ҳодисалар меҳнатни ташкил этувчилар ва ишловчилар эътиборсизлиги, хафсаласизлигининг оқибати эканлигини кўрсатмоқда. Чунончи, Бўстонлиқ туманидаги «Янгиовул» ширкат хўжалигининг сутчилик фермасида пуркагич билан қорамолларни дорилаш пайтида кардан чиқиб кетиб, ҳимоя қобиғи бўлмаганлиги учун тракторчи Ўринбосар Мамедовга қаттиқ урилган. Оқибатда у касалхонада вафот этган.

Бундай нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш эса, бевосита бошланғич касаба қўмиталари, меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялар ва вакилларнинг ўзларига юклатилган вазифаларни тўла бажаришларига боғлиқ. Ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, улар техника хавфсизлиги қоидаларига оғишмай риоя қилинишига эришишлари, касаба аъзолари махсус билим ва малакаларни эгаллаб олишлари учун ғамхўрлик кўрсатишлари керак.

Бунинг учун аввало, касаба ташкилотлари етакчилари қонун меъёрларини пухта билишлари, уларнинг бажарилиши устидан назоратни малакали ташкил этишлари талаб қилинади.

**Эркин УСМОНОВ,**
**касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мутахассиси.**

*Муносабат*

## АРЗНОМА ОРТИДА ОДАМ БОР

***Маҳкамжон (маълум сабабларга кўра исм ўзгартирилди) не-не орзу-умидлар билан Қибрай туманидаги «Мурод-Сервис» хусусий фирмасида иш бошлаган эди. Лекин орзулари сароб бўлди, иш пайтида бахтсиз ҳодиса рўй бериб, қўли оғир жароҳатланди. Мутахассислар у 50 фоиз меҳнат қобилиятини йўқотганлиги ҳақида хулоса чиқаришди.***



Афсуски, фирма соҳиби иш чоғида жароҳат олган бир меҳнатчининг мушкулини осон қилишни ўйламади, ҳатто унинг меҳнат қобилиятига етказилган зарар учун товон пулини тўлашдан ҳам бош тортди. Шунда жабрланувчи вилоят касаба кенгашига мурожаат қилди. Кенгашнинг меҳнат қобилиятини қисман йўқотган ходимга қонунга биноан тегишли товон пулини тўлаш ҳақидаги кўрсатмасини ҳам мулкдор бажармади. Шунда бу бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ ҳужжатлар судга топширилди. У қонунан кўриб чиқилиб, Маҳкамжонга товон пули ундириб берилди.

Кейинги йилларда касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашига ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодиса, унинг оқибатларини бартараф этиш жараёнида содир бўлаётган адолатсизликлар, амалдаги қонунларга зид хатти-ҳаракатлар ҳақидаги мурожаатномалар, ариза ва шикоятлар камаймаётир. Ўтган йили 12, шу йилнинг 10 ойи мобайнида 18 фуқаро шу мазмундаги аризалар билан мурожаат қилиб, ўз ҳақ-ҳуқуқини тиклашга ёрдам беришни сўраганлигини таъкидлаш кифоя. Ҳолбуки, тармоқ касаба уюшмаларининг вилоят кенгашлари ва вакилликлари ҳам бундай ариза ва шикоятлар билан кам шуғулланишмаётир.

Ёки Ангрен вилоят педагогика институтидаги масъул ходимларнинг бир фожиа оқибатларини бартараф этиш жараёнларига муносабатини олиб кўрайлик. Бахтсиз ҳодиса юз бериб, катта ўқитувчи Мамадали Анорбоев хизмат вазифасини бажариш пайтида ҳалок бўлди. Шунда институтдагилар унинг оиласига қонунда белгиланган зарар пулини тўлашни пайсалга солишди. Касаба ташкилотлари вилоят бирлашмаси кенгаши мутахассислари 2005-2006 йиллар мобайнида адолатни қарор топтириш учун тинимсиз иш олиб боришди. Улар тайёрлаган ҳужжатлар асосида суд бу ишни кўриб чиқиб, шу йил 9 сентябрь куни тегишли ажрим чиқарди. Ниҳоят, оила товон пулини олишга муваффақ бўлди.

Агросаноат, қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати, кимё, ёқилғи-энергетика корхоналари ходимлари касаба уюшмалари вилоят ташкилотларида ҳам ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалардан азият чеккан ишловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари самарали ҳимоя қилиняпти. Чунончи, ёқилғи-энергетика мажмуи, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашига қарашли 11 та корхонада содир бўлган бахтсиз ҳодисалар жабрланувчиларига 69 миллион 284 минг сўм миқдоридаги бир йўла тўланадиган зарар пули тўланишига эришилди.

Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар юз беришининг олдини олиш, уни келтириб чиқарувчи ташкилий-техникавий ҳолатларни бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга. Буни ҳеч ким — на мулкдорлар, на корхона ва на хўжалик раҳбарлари, айниқса, касаба ташкилотлари асло унутмасликлари керак. Шунда ортиқча «ёз-чиз»ларга ўрин қолмайди, жамиятда ижтимоий адолат ва қонун устуворлиги, чинакам баҳамжиҳатлик ва барқарорлик қарор топади.

**Юнус ЖУМАНИЁЗОВ.**

*Ижро масъулияти*

## ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ, НАТИЖА ҚАНДАЙ?

***Қарор ижроси кучли, белгиланган чора-тадбирлар изчил амалга оширилиши билан таъсирчан ва самарали бўлади. Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатида кўрилаётган масалалар, улар юзасидан кейинги саъй-ҳаракатлар буни тасдиқламоқда.***

Чунончи, раёсат йиғилиши «Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамияти билан «Бекободцементтаъмир» масъулияти чекланган жамиятида ишловчиларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратишда бошқарув раҳбарияти билан касаба қўмиталарининг ҳамкорликдаги фаолияти масаласини кўриб чиққан эди. Муҳокама чоғида ҳар иккала корхонада ҳам ишловчиларга хавфсиз иш жойларини яратиб бериш юзасидан бир қатор ишлар олиб борилаётганлиги таъкидланди. Шу мақсадлар учун ажратилаётган маблағлар муттасил ортиб бориб, шу йилнинг олти ойи мобайнида «Бекободцемент»да 106 миллион 56 минг, «Бекободцементтаъмир»да эса 41 миллион 78 минг сўмга етгани таъкидланди. Бу маблағлар ишчи-хизматчиларни махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, иш жойларида меҳнат маданиятини кўтариш, ишловчилар соғлигини тиклаш ва бошқа мақсадлар учун сарфланган. Айниқса, электр, газ хўжалиги, иссиқлик иншоотлари ва юк кўтариш механизмларида ишловчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга эътибор кучайтирилмоқда. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати йўлга қўйилган.

Лекин муҳокама чоғида мазкур корхоналарнинг бошқарув раҳбарияти ва касаба қўмиталарининг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги фаолиятида камчиликлар ҳам содир бўлаётгани алоҳида кўрсатиб ўтилди. Чунончи, «Бекободцемент»да аёллар учун махсус ажратилган шахсий гигиена хонаси йўқ. Айрим ҳолларда дам олиш хоналаридан мақсадли фойдаланилмаяпти. Азмойишхонада ҳаво сўриш ускунаси ишламайди. Маъмурий-жамоатчилик назорати жараёнларида ҳам юзакичилик ҳолатлари йўқ эмас. «Бекободцементтаъмир»да эса, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш етарли назорат қилинмайди. Ҳамма иш жойлари ҳам техника хавфсизлиги талаблари даражасида жиҳозланмаган.

Кенгаш раёсати шу ва бошқа камчиликларни ҳисобга олиб, ўшанда «Бекободцемент» очиқ акцмядорлик жамияти ва «Бекободцоменттаъмир» масъулияти чекланган жамияти бошқарув раҳбариятлари билан касаба қўмиталарининг ишловчиларга соғлом, хавфсиз меҳнат ва маиший шароитларни яратиш борасида олиб бораётган ишларини етарли эмас, деб топди. Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг вилоят бўйича вакиллигига кўрсатилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб, уларнинг ижроси устидан назоратни кучайтириш юклатилди. Касаба қўмиталарига меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялар ва вакилларнинг ишини тўғри ташкил этиш ва фаоллаштириш учун амалий ёрдам кўрсатиш топширилган. Шу билан бирга меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар малакасини ошириш, улар ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ англаб етишларига кўмаклашиш, жамоатчилик назоратини амалга оширишда ўрнак бўлаётганларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш ва рағбатлантириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Касаба уюшмалари ташкилотлари вилоят бирлашмаси кенгаши ушбу қарорни қабул қилганидан сўнг муайян вақт ўтди. Хўш, унда белгиланган вазифалар қандай бажарилмоқда? Қуйида шу саволга олинган жавобларни ўқийсиз:

### АМАЛИЙ ЧОРАЛАР

Касаба уюшмалари вилоят бирлашмаси кенгаши раёсатининг қарори тармоқ бошланғич касаба ташкилотларида ўрганилиб, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини янада яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди. «Бекободцемент» ва «Бекободцементтаъмир» корхоналари раҳбариятлари ва касаба қўмиталари қарорда кўрсатилган камчиликларни асосан бартараф этдилар. «Бекободцементтаъмир»да ошхона таъмирланмоқда, аёллар учун ювиниш хонасини қуришга киришилмоқда.

Вилоят вакиллиги тармоқ корхоналарида соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш билан боғлиқ масалаларни доимий назоратга олган. Касаба фаолларининг ўқувлари ташкил этилиб, асосий эътибор касаба қўмиталарининг меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялари ва вакилларининг ишларини, иш берувчиларнинг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги қонун талабларини бажариш, ходимларнинг соғлиғига етказилган зарар учун товон тўланиши устидан назоратни кучайтириш масалаларига қаратилмоқда.

Вакиллик меҳнатни ташкил этишдаги қоидабузарликларни бартараф этиш, талабларга мос бўлмаган асбоб-ускуна, машина-механизмлар, мосламаларни созлаш ёки фойдаланишдан чиқарилиши, оғир ва зарарли меҳнат шароитларида банд бўлган ва ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ижросини назорат қилишни янада кучайтирмоқда.

**Тўхтамиш ДАВЛАТОВ,**
**Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг вилоят бўйича вакили.**

### ИЗЧИЛ ЭЪТИБОР

Кейинги йилларда корхонамизда меҳнат шароитларини яхшилаш, иш жойларини шаҳодатлаш масалалари билан тобора изчил шуғулланилмоқда. Бу соҳадаги ишларнинг аҳволини вилоят кенгаши раёсатида кўришга тайёргарлик ва раёсат қарорида белгиланган тадбирларни амалга ошириш жараёнларида бир қатор камчиликлар бартараф этилди. Чунончи, тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида аёллар шахсий гигиенаси хонаси фойдаланишга топширилди. Азмойишгоҳ бўлимидаги ҳаво сўриш дастгоҳи таъмирланиб, ишга туширилди. Асбоб-ускуналар ва механизмлар қайта синовдан ўтказилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ барча ишлар қонун ва меъёрий ҳужжатлар талабига мослаштирилди.

Бошқарув мажлислари ва йиғилишлари, кундалик маслаҳатда уч босқичли назоратни амалга ошириш, мутахассис ва раҳбар ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши учун масъулиятини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**К. МОРОЗОВ,**
**«Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамияти бош директори.**
**А. ХУДОЁРОВ,**
**касаба қўмитаси раиси.**

### НУҚСОНЛАР БАРҲАМ ТОПМОҚДА

Аввало, вилоят касаба кенгаши раёсатининг қарори ва ундан келиб чиқадиган вазифалар маъмурият билан касаба қўмитасининг қўшма мажлисида кўриб чиқилиб, меҳнат муҳофазасини яхшилаш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган амалий тадбирлар режаси белгиланганлигини таъкидламоқчимиз.

Шу йилнинг ўн ойи мобайнида касаба қўмитаси комиссияси аъзолари ва меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакиллар ишлаб чиқариш бўлинмаларида юзга яқин текшириш ўтказиб, бир қатор камчиликлар бартараф этилишига эришдилар. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида меҳнат муҳофазасини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларга 8,3 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Зарарли иш жойларида меҳнат қилаётган ишловчиларни сут билан таъминлаб бориш учун 3,1 миллион сўм сарфланди. Ходимларни парҳез таомлар билан овқатлантиришни ташкил этиш мақсадлари учун сарфланган маблағ 44 миллион сўмдан ошди.

Касаба кенгаши қарорини оғишмай бажаришни кўзлаб, иш жойларида махсус кийим-бош ва пойабзалда ишлаш ва бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситаларидан фойдаланишни таъминлаш учун таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлар масъулиятини оширишга қаратилган буйруқ чиқарилди. Шунингдек, қарорда кўрсатилган бошқа камчиликлар ҳам ишчанлик билан бартараф этилди.

Корхонамизда ҳар ойда хавфсизлик техникаси кунини ўтказиб, меҳнат муҳофазаси ва унинг шароитларини яхшилаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш анъанага айланди.

**Ю. ОХУНОВ,**
**«Бекободцементтаъмир» масъулияти чекланган жамияти директори.**
**В. ФОМЕНКО,**
**касаба қўмитаси раиси.**

**Саҳифа материалларини Ўзбекистон касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири Эътиборхон РАҲМОНОВА ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВлар тайёрлашди.**

# ЯНГИЙЎЛ МУҲИМ ТАДБИР АРАФАСИДА

Кираверишдаги сайлов участкасининг номи ёзилган лавҳа ва сайлов моҳиятига бағишланган панно олисдан кўзга ташланади. Бу участкада 1853 сайловчи овоз бериши кутилмоқда. 48 йигит-қиз унда илк марта қатнашади.

– Участкамиз ҳозирданоқ гавжум, – дейди комиссия раисининг ўринбосари Сурайё Отабекова. – Одамлар рўйхатларни кўздан кечириб, номзодлар билан учрашувлар қачон ўтиши билан қизиқмоқдалар.

16-Янги ҳаёт сайлов округи Янгийўлнинг каттагина қисмини қамраб олади. Шаҳар ҳокимлиги саккиз сайлов участкасининг ҳар бири учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди. Номзодлар билан дастлабки учрашув шу коллежда ўтди.

**Ҳаким САЛИМОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).





*СУРАТЛАРДА: 202-сайлов участкаси раиси Бахтиёр Оқбоев сайловчилар билан суҳбатлашяпти; 206-сайлов участкасида Гулчеҳра ва Феруза Тожибоевалар сайлов тўғрисидаги қонун билан танишмоқдалар.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# ЙЎЛОВЧИ ТАШИШНИНГ ЎЗ ҚОИДАЛАРИ БОР

**Вилоят ҳокимлигида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш ва бу борада қабул қилинган қарор ва фармонлар ижросининг бугунги аҳволини таҳлил қилишга қаратилган семинар ташкил этилди. Уни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зиёвуддин Ниёзов бошқарди.**

Маълумотларга қараганда, айни дамда вилоят ҳудудида юридик мақомга эга бўлган 82 та уюшма ва корхоналар 494 та йўналишда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиб келмоқда. Бироқ, айрим йўналишларда транспортда йўловчи ташишнинг замон талабидаги тартиб-қоидаларига тўлиқ риоя қилинмаётир. Транспорт тармоғи ислоҳотлари ҳали тўлиқ кириб бормаган уюшмалар ҳам йўқ эмас.

Йиғилишда ЙҲХБ, адлия, солиқ, банк ва молия муассасалари раҳбарларининг соҳада йўл қўйилаётган қатор камчилик ва нуқсонлар хусусидаги ахборотлари тингланди.

Шунингдек, йўналиш раҳбарларига ижтимоий муҳофазани кучайтириш, накд пул тушумини ошириш каби масалалар юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Йиғилганлар шу каби учрашувларни мунтазам ўтказиб туришга келишиб олдилар.



*СУРАТДА: семинар пайти.*

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

***Украина Савдо-саноат палатасининг кўргазмалар залида ҳар йили ташкил этиладиган 14-"Рождество бозори" анъанавий халқаро кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда маҳаллий ва бошқа мамлакатларда фаолият кўрсатадиган халқаро компаниялар маҳсулотлари, халқ амалий санъати намуналари, совғабоп буюмлар, миллий таом ҳамда турли хил ичимликлар пештахталардан жой олди.***

# КИЕВ КЎРГАЗМА-ЯРМАРКАСИДА

Тадбирда илк бор иштирок этган Ўзбекистон экспозицияси ўзига хос, миллий услубда безатилди. Унда йиғилганлар эътиборига ўзбек халқ амалий санъати маҳсулотлари, шарқона сўзана, ўзбек хонатласи, миллий либослар, ёғоч ҳамда чиннидан ясалган эсдалик буюмлари баробарида мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг ахборот материаллари ҳавола этилди.

Кўргазма доирасида замонавий ўзбек рассомларининг асарлари намойиши ҳамда бугунги Ўзбекистон мавзуига бағишланган фотокўргазма ҳам ташкил этилди.

**«Жаҳон» АА.**

### Фармон ва ижро

# МИКРОКРЕДИТНИНГ КАТТА ЁРДАМИ

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятида яққол сезилмоқда.**

Республикада «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг ташкил этилганига ярим йилдан ошди. Зиммасига муҳим вазифа юклатилган ушбу янги молиявий тузилманинг вилоятимиз ҳудудидаги филиаллари ўтган давр оралиғида ўз фаолиятларини қай даражада йўлга қўйдилар?

«Микрокредитбанк»нинг Оққўрғон туман филиали бошқарувчиси Анвар Мирҳолиқов бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майда эълон қилинган «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарорида янги банкнинг вазифалари аниқ белгилаб берилган. «Микрокредитбанк» кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига ўз ишлаб чиқаришлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда фаолиятлари кўламини кенгайтиришлари учун микрокредитлар беради, шунингдек, кенг миқёсда банк ҳамда консалтинг хизмати кўрсатади.

Ушбу янги молиявий институт мамлакатда жадал шаклланиб, изчил ривожланиб бораётган микрофирмалар, оилавий бизнес ва касаначилик ҳаракатини микрокредит бериш ва микролизинг йўли билан рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашга даъват этилган. Бу эса, ўз навбатида республикада хусусий тадбиркорлик соҳасининг тез ва барқарор кенгайиб бориши учун қулай имкониятлар ва мустаҳкам замин яратади.

Банк микрокредит бериш ва микролизинг усулидаги хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида халқаро молия институтлари, шунингдек, етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитларини, инвестиция ва грантларини жалб этиш билан шуғулланади. Айниқса, қишлоқ жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган хизматлар доирасини янада кенгайтириш учун қўшимча имкониятлар яратадиган янги филиал ҳамда минибанклар очади ва шу орқали ўзининг молиявий инфратузилмалари тизимини кенгайтириб боради.

Маълумки, ҳар қандай кредит маблағлари қатори микрокредитлар ҳам ҳужжатларда кўрсатилган шартларга мувофиқ ҳамда белгилаб қўйилган вақтда қайтарилиши лозим. Ушбу тартибга қатъий амал қилинишини таъминлаш мақсадида банк кредит олувчилар томонидан тақдим этиладиган бизнес-режани, унинг молиявий ҳолатини, кредитни қайтаришга оид мажбуриятларни бажаришни таъминлаш манбаларини синчиклаб ўрганади, атрофлича ва чуқур таҳлил қилади, якуний хулосага қараб кредит беради ва унинг қайтарилишига эришади.

Филиалимиз мижозлари асосан қишлоқ хўжалик корхоналари бўлгани учун биз тармоқни янги техника воситалари билан таъминлашга қаратилган режали чора-тадбирларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. 2006 йилда шу мақсадлар учун 117 миллион 606 минг сўм кредит берилди. Ҳозир филиалимизда қишлоқ хўжалиги учун янги техника-технологиялар сотиб олиш мақсадларига қаратилган микролизинг маблағлари бўйича жами 110 миллион сўмлик 5 та лойиҳа мавжуд.

Шу ўринда «Филиал томонидан ажратилаётган кредитлар белгиланган мақсадларга сарфланиб, кутилган самарани бераяптими» деган савол туғилиши табиий. Айтиш жоизки, бу масала бизнинг доимий назоратимизда. Масалан, «Маданият» фермерлар уюшмасидаги «Азизбек Умир» фермер хўжалигига шу йил август ойида 4 та трактор тиркамаси олиш учун 14 миллион 649,6 минг сўм микролизинг маблағи ажратилган эди. Пировардида бу тиркамаларда хўжаликнинг 300 тонна пахтаси пешма-пеш қабул пунктларига етказилиб, юқори навларга топширилди. «Султонобод» фермерлар уюшмасидаги «Озодлик» фермер хўжалиги эса филиалимиз ажратган 9,9 миллион сўм лизинг маблағига плуг, борона, сеялка ва культиваторлар сотиб олиб, улар ёрдамида 500 тоннадан зиёд пахта хирмони яратишга эришди. Бундан ташқари, филиалимиз томонидан ажратилган кредитларни мақсадли ишлатиш орқали ўнлаб янги иш ўринлари очилди.

**Суҳбатни «Тошкент ҳақиқати» мухбири Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ ёзиб олди.**

# ФАЛАСТИНДАГИ БЕҚАРОРЛИК

**Шу кунларда Яқин Шаркда вазият яна кескинлашмоқда. РАТА-ТАСС хабарларига қараганда, Фаластиндаги ФАТҲ ва ХАМАС ҳаракатлари ўртасида қаттиқ тўқнашувлар юз бермоқда.**

Бу икки гуруҳ ўртасидаги келишмовчилик ўтган ҳафта Фаластин бош вазири Исмоил Хония ўтирган автомобиллар карвони "Рафоҳ" назорат пунктида ўққа тутилганидан кейин очиқ можарога айланди. Бош вазирнинг бир соқчиси ҳаётдан кўз юмди, ўғли ва маслаҳатчиси жароҳатланди.

Куни кеча эса президент гвардиясининг Ғазо минтақасидаги таянч пунктига ниқоб кийган жангарилар ҳужум уюштирди. Орадан бироз вақт ўтгач, Фаластин ташқи ишлар вазири, ХАМАС фаолларидан бири Маҳмуд аз-Заҳар кетаётган автомобиль ўққа тутилди. Бунга жавобан ХАМАС аъзолари Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Маҳмуд Аббоснинг Ғазодаги қароргоҳига қарата ўт очди ҳамда қатор вазирлик ва идораларни қуршаб олди.

**ЎзА.**

# ҲАЖ САФАРИГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

**Истиқлол шарофати билан миллий урф-одат ва анъаналаримиз қатори муқаддас диний қадриятларимиз ҳам қайта тикланди.**

Натижада юртимиз мусулмонлари ислом динининг барча арконларини, жумладан, ҳаж амалларини эмин-эркин бажариш имконига эга бўлдилар. Буни ҳар йили минглаб юртдошларимиз муқаддас ҳаж амалларини адо этиб келаётганлари ҳам исботлайди. Бу йил ҳам муборак ҳаж сафарига отланган ватандошларимизнинг бир гуруҳи Тошкентдан Саудия Арабистонига жўнаб кетди. Ватандошларимиз муборак ҳаж амалини адо этиш асносида мамлакатимиз тинчлик-осойишталиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган хайрли ишларга Яратганнинг ўзи мадад беришини сўраб дуо қиладилар.

**ЎзА.**

## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар! Имкониятингизни қўлдан бой берманг!

# Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

**барча маҳаллий ва хорижлик сармоядорларни очиқ танлов, аукцион ва биржа савдоларига таклиф этади.**

**Савдоларга қуйидаги объектлар қўйилган**

| № п/п | Наименование предприятий, объектов | Наименование министерств | Место-расположение | Гос. доля к реализации (%) | Сумма выставления (тыс сум) | Форма реализации и дата торгов |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ЗАО "Олмалиқ ободончилиги" | ГАК "Узавтойўл" | Алмалык | 25 | 21368,5 | биржевые торги с 10.07.06 |
| 2 | Шаҳар ҳокимлиги қарамоғида бўлган нотураржой биноси, Ипак Йўли кўчаси, 49-уй | Хокимияты | Алмалык | 100 | 15470,1 | биржевые торги с 29.12.06 |
| 3 | Шаҳар ҳокимлиги қарамоғида бўлган нотураржой биноси, А. Навоий кўчаси, 30-уй | Хокимияты | Алмалык | 100 | 23357,9 | биржевые торги с 29.12.06 |
| 4 | АО "Аммофос" | ГАК "Узкимесаноат" | Алмалык | 49 | 17164,4 тыс долларов | тендерные торги в феврале 2007 |
| 5 | АО "Саноатқалинқоғозсавдо" | Предприятие ликв. асс. "Ўзбек қоғози" | Ангрен | 25 | 3343000 | биржевые торги с 25.11.06 |
| 6 | Детский сад № 3 "Олтин балиқча"[2] | Минобразование | Ангрен | 100 | 63109,8 | конкурсные торги 30.12.06 |
| 7 | Дом культуры АО "Шарқий қурама" | Госкомгеология | Ангрен | 100 | 218191,7 | аукцион 29.12.06 |
| 8 | Турбаза "Янгиобод" | Прочие | Ангрен | 100 | 240204,2 | конкурсные торги 15.01.07 |
| 9 | АО СП "Оҳангарон рангли цемент" | АК "Узстройматериалы" | Ахангаран | 26 | 504400 | биржевые торги с 28.12.06 |
| 10 | АО "Далварзин таъмирлаш заводи" | Асс. "Агромашсервис" | Бекабадский р-н | 23 | 96115,9 | биржевые торги с 10.07.06 |
| 11 | Детский сад № 3 "Булбулча" | Минобразование | Бекабадский р-н | 100 | 26709,5 | конкурсные торги 12.01.07 |
| 12 | Зона отдыха "Бурчмулла" | НАК "Ўзбекистон ҳаво йўллари" | Бостанлыкский р-н | 100 | 193 тыс долларов | тендерные торги в феврале 2007 г. |
| 13 | Зона отдыха АО "Узэлектромонтаж" | Асс. "Узмонтажспецстрой" | Бостанлыкский р-н | 100 | 179 тыс долларов | тендерные торги в феврале 2007 г. |
| 14 | Зона отдыха "Лайнер" | НАК "Ўзбекистон ҳаво йўллари" | Бостанлыкский р-н | 100 | 996 тыс долларов | тендерные торги в феврале 2007 г. |
| 15 | Зона отдыха "Алгоритм" | Асс. "Ўзэлтехсаноат" | Бостанлыкский р-н | 100 | 70 тыс долларов | тендерные торги в феврале 2007 г. |
| 16 | 2-х этажное общежитие в махалле Бештут поселка Чорвог | Хокимияты | Бостанлыкский р-н | 100 | 24269,8 | биржевые торги с 28.12.06 |
| 17 | Зона отдыха "Акташ" АО "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" | Госкомархитекстрой | Бостанлыкский р-н | 100 | 178 тыс долларов | тендерные торги в феврале 2007 |
| 18 | Зона отдыха "Солнечная поляна" | Предприятие ликв асс. "Тошкентқурилиш" | Бостанлыкский р-н | 100 | 134 тыс долларов | тендерные торги в феврале 2007 |
| 19 | Чирчиқ-Оҳангарон ИТХБнинг 2-КМКнинг ишлаб чиқариш базаси | Минсельводхоз | Бостанлыкский р-н | 100 | 98028 | биржевые торги с 27.12.06 |
| 20 | Детский сад №14[2] | Минобразование | Букинский р-н | 100 | 56511,2 | конкурсные торги 29.12.06 |
| 21 | Қозонхона, А.Қодирий кўчаси 5-уй | Хокимияты | Букинский р-н | 100 | 3946,8 | биржевые торги с 24.12.06 |
| 22 | АО "УзБМЗ"[1] | ХК "Узсельхозмаш-холдинг" | г.Ташкент | 14 | 493996,5 | биржевые торги с 25.11.06 |
| 23 | АО "Озодлик" | Асс. "Агромашсервис" | Зангиатинский р-н | 25 | 288626 | биржевые торги с 22.12.06 |
| 24 | "Узгипромелиоводхоз" институтига қарашли муҳандислик-қидирув бўйича марказий комплекс экспедицияси | Минсельводхоз | Зангиатинский р-н | 100 | 80233 | аукцион 20.12.06 |
| 25 | Детский сад №10 | Минобразование | Кибрайский р-н | 100 | 20612,8 | конкурсные торги 23.12.06 |
| 26 | ООО "Дўстобод тажриба механика заводи"[1] | Асс."Ўзпахтасаноат" | Куйичирчикский р-н | 25 | 48000 | биржевые торги 30.12.06 |
| 27 | Детский сад "Гулбахор" | Минобразование | Паркентский р-н | 100 | 11107,9 | биржевые торги с 29.12.06 |
| 28 | ООО "Мухандис" | Прочие | Ташкентский р-н | 25 | 103192,57 | биржевые торги с 25.11.06 |
| 29 | АО "Сабзавотнавуруғлари" | Асс."Ўзсабзавотнавуруғсаноат" | Ташкентский р-н | 100 | 223668,9 | конкурсные торги 11.01.07 и 26.01.07 |
| 30 | АО "Гидромеханизация" | Предприятия ликв. концерна "Узводстрой" | Чиназский р-н | 90 | 1511350 | конкурсные торги 15.12.06 |
| 31 | Пустующее здание бывщей поликлиники (на улице Алмазар) | Минздрав | Чиназский р-н | 100 | 3475,2 | биржевые торги 30.12.06 |
| 32 | АО "Гунча"[1] | ГАК "Ўзбекенгилсаноат" | Чирчик | 7 | 55792 | биржевые торги с 22.12.06 |
| 33 | ООО "ПМК-93" | Хокимияты | Чирчик | 25 | 20245,5 | биржевые торги с 30.06.06 |
| 34 | АО "Электрокимёсаноат" | ГАК "Ўзкимёсаноат" | Чирчик | 49 | | тендерные торги в феврале 2007 |
| 35 | Тошмелиоқурилиш трестига қарашли "7-КМК" МЧЖ 10 % | Ассоциация "Ўзиртаъмирқурилиш" | Аккурганский р-н | 10 | 8490,0 | биржевые торги с 30.06.06 |
| 36 | Чирчиқ-Оҳангарон ИТХБнинг 3-КМКнинг ишлаб чиқариш базаси | Минсельводхоз | Юкоричирчикский р-н | 100 | 105498,1 | биржевые торги с 27.12.06 |
| 37 | «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати" ОАЖнинг бир қаватли биносининг бир қисми | Хокимияты | Чирчик | 100 | 3011,0 | биржевые торги с 30.06.06 |
| 38 | АО "Кичкинтой" | Асс. "Ўзбекчармпойабзали" | Янгиюль | 22 | 68483 | биржевые торги с 25.11.06 |
| 39 | ООО "Янгийўл бош пиллахонаси" | Асс. "Ўзбек ипаги" | Янгиюльский р-н | 25 | 33463 долларов | биржевые торги с 30.06.06 |
| 40 | Здание и сооружения птицеводческой фермы, принадл. АО "Кулол", распол. по адресу г. Ангрен, село Аппартак (без земел. участка)* | Ўзқурилишматериаллари | Ангрен | 100 | 6675,13 | биржевые торги с 30.06.06 |
| 41 | Торговый магазин "Лола", принадл. Дирекции экологического оздоровления и строительства объектов г. Ангрена | Хокимияты | Ангрен | 100 | 9846,34 | биржевые торги с 30.06.06 |
| 42 | "Ветерок" кафеси биноси | Хокимияты | Чиназский р-н | 100 | 1353,22 | биржевые торги с 28.08.06 |
| 43 | Нежилое помещение 266,0 кв.м. по ул. Х. Хайдарова г. Пскент | Хокимияты | Пскентский р-н | 100 | 3508,12 | биржевые торги с 18.12.06 |
| 44 | Нежилое помещение 129,0 кв.м. по ул. Х. Хайдарова г. Пскент | Хокимияты | Пскентский р-н | 100 | 1699,04 | биржевые торги с 18.12.06 |
| 45 | Нежилое помещение 105,0 кв.м. по ул. Х. Хайдарова г. Пскент | Хокимияты | Пскентский р-н | 100 | 1526,24 | биржевые торги с 18.12.06 |
| 46 | "Хўжалик моллари дўкони биноси" 1035,8 кв.м. | Коммунал хизмат кўрсатиш Нуробод тураржой қўрғони бошқармаси | Ангрен, Нуробод | 100 | 16200,87 | конкурсные торги 12.01.07 |
| 47 | Нежилое помещение 247,3 кв.м. расположенный по ул.Маданият дом 19 а | Хокимияты | Чирчик | 100 | 7628,53 | биржевые торги с 25.12.06 |
| 48 | Нежилое помещение 53,0 кв.м. расположенный по ул. Ахунбабаева дом 22 | Хокимияты | Чирчик | 100 | 17485,52 | биржевые торги с 25.12.06 |

Очиқ танлов ва очиқ аукцион савдоларида иштирок этишни истаган юридик ва жисмоний шахслар объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида "Respublika Mulk-Auksioni" давлат унитар корхонасининг "Ўзсаноатқурилишбанки" марказий амалиёт минтақавий филиалидаги МФО-00442, СТИР-206761326, 20210000804537599001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари шарт.

Танлов савдоларида иштирок этиш учун закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) кун олдин, аукцион савдоларига аризаларни қабул қилиш эса, бир кун олдин тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.**

"Respublika Mulk-Auksioni" давлат унитар корхонаси. Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 55-уй, 14-қават, 6-хона. **Телефонлар:** 139-21-03. Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси 139-22-65, 139-22-27, 139-21-20. **Факс:** 139-83-90

Биржа савдоларида иштирок этиш истагини билдирган сармоядорлар Тошкент шаҳри, Қорақамиш 2/4-даҳа, Ўрозбоев кўчаси, 1а-уй "Республика кўчмас мулк биржаси" ҳамда унинг вилоят майдончасига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишлари мумкин: 399-84-48, 133-28-52.

